

Қуръони Карим 141-дарс. «Ат-Тафсир ал-Мунир фил-ақидати ваш-шариъати вал-манҳаж» - Ваҳба Мустафо Зуҳайлий



19:41 / 15.06.2021 2959

Машҳур олим ва фақиҳ, доктор Ваҳба Мустафо Зуҳайлий ҳазратлари ўзининг биз ҳозир у ҳақда сўз юритмоқчи бўлган «Ат-Тафсир ал-Мунир» номли китобининг муқаддимасида айтишича, ушбу тафсирни ёзишга катта илмий ишларни амалга ошириб бўлганидан кейингина журъат қилган. Аввал усули фиқҳ бўйича икки жилдли катта китоб ёзган. Кейин ҳаммага машҳур бўлган «Ал-Фиқҳул-исламийю ва адиллатуху» деб номланган барча мазҳабларни ўз ичига олган саккиз жилдли қомусий асарини чиқарган. Олий ўқув юртларида ўттиз йил устозлик қилган. Имом Самарқандийнинг «Тухфатул-фуқоҳа» китобидаги ҳадисларни таҳқиқ қилган. Бир минг тўрт юзга яқин ҳадисларни ўз ичига олган «Ал-Мустофа мин аҳадиси Мустофа»

номли китобни ёзган. Яна бошқа ўттиздан ортиқ энциклопедик асарларни битган.

Шайх Ваҳба Мустафо Зуҳайлий ҳазратлари «Ат-Тафсир ал-Мунир»нинг муқаддимасида қайд этишича, бу тафсирни ёзишдан мақсад мусулмонни ҳам, мусулмон эмасни ҳам ҳозирда бус-бутун турган ягона илоҳий ваҳий билан боғлашдир.

У киши ўз тафсирида нақл билан ақлни жамлаган. Янги ва эски мўътабар тафсирлардан фойдаланган. Шунингдек, Қуръони Карим, унинг нозил бўлиш сабаблари ҳақидаги бошқа ёзувлардан ҳам истифода қилган.

Шайх Ваҳба Мустафо Зуҳайлий «Ат-Тафсир ал-Мунир»ни ёзишда қуйидаги режа асосида иш юритган:

1. Қуръони Карим оятларини мавзуга қараб тақсимлаб, сарлавҳалар қўйиш.
2. Ҳар бир суранинг умумий маъносини баён қилиш.
3. Луғавий изоҳлар бериш.
4. Оятларнинг нозил бўлиши ҳақидаги саҳиҳ ривоятларни келтириш. Заифларини тарк этиш.
5. Набийлар қиссалари, Бадр ва Уҳуд жанглари каби катта Ислом ҳодисаларини энг ишончли сийрат китоблари асосида ёритиш.
6. Тафсир ва баён қилиш.
7. Оятлардан чиқарилган ҳукмлар ҳақида сўз юритиш.
8. Балоғат ва эъробга оид маълумотларни келтириш.

Тафсир осон ва равон тил билан ёзилган. Унда ҳамма нарса гўзал ва мукамал тартиб билан келтирилгани учун, маълумотларни ўзлаштириб олиш осон.

Шайх Ваҳба Мустафо Зуҳайлий ҳазратларининг «Ат-Тафсир ал-Мунир» деб аталган ушбу тафсири ўттиз жуздан иборат бўлиб, ўн беш жилдда чоп этилган. Ўттиз биринчи ва ўттиз иккинчи жузлар алоҳида ўн олтинчи жилдда бўлиб, тафсирнинг мундарижасидан иборатдир. У орқали тафсирдаги истаган мавзунини осонлик билан топиб олиш имкони мавжуд.

«Қуръон илмлари» китоби асосида тайёрланди

